



Аҳоли муаммолари депутатлар томонидан ўрганилмоқда...



Бугун Узун туманида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Мавжуда Хасанова ва туман Кенгаши депутатлари Гулшан Чориева, Мастура Мамуржонова, Туман Кенгаш котибият мудирини Ў. Ражабовлар "Дўстлик" маҳаллаларида яшовчи фуқаролар билан очиқ мулоқот ўтказди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Мавжуда Хасанова мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар ҳақида тўхталиб ўтди. Сўнг фуқароларнинг муаммоларини тинглади. Унда фуқаролар ички йўлларни таъмирлаш, ичимлик суви билан таъминлаш, ички туризмни янада ривожлантириш, нафақага чиққан ходимларнинг тиббий даволанишига кўмак бериш, уй-жойларни кадастр қилиш, аукцион орқали олган ерларни ажратиб бериш, талаба контрагини тўлаш масалалари билан муурожаат қилишди.



Учрашув давомида фуқароларнинг муаммоли масалараларига ҳуқуқий тушунчалар берилди.

Узун туманида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолати ўрганилди, бу борада белгилаб берилган вазифаларнинг ижроси назорат қилинди. Аҳолининг тиббий хизмат ҳақидаги фикр ва мулоҳазалари ҳам эшитилди.

Шунингдек, кекса нуроний отахон ва онахонларимиз жуда хурсандлигини, давлат эътибори ҳамда ғамхўрлигидан шод эканлигини билдиришди. Айниқса, пенсия ва нафақаларнинг 12 фоизга оширилганлиги байрам арафасида бўлганлиги уларни хурсанд қилганлигини эътироф этишди. Мурожаатлар ҳам эшитилди. Тегишлилиги бўйича масъулларга ижросини таъминлаш юклатилиб, назоратга олинди.

